

Фузулий ўнинчи аср хижрийда Ирок Арабида яшагон бир шоирдир. Багдод теваракида — Карбалода, бир ривоятга карагонда Хуллада тўккузинчи асри хижрийнинг охирларида тугулмишдир. Оти Мухаммаддир. Отаси Сулаймон деган олим бир зотдир. Аслининг бири турк, бири форс бўлгонига доир икки ривоят мавжуддир. Факат ўзининг сиёки турклик томонига огирлигини кўрсатадир.

Форс девонининг мукаддимасида шундай дейдир: «Гохи ба ашъори арабий пардохтам ва фусахои арабро бафунуни този филжумла махзуз сохтам ва он бар ман осон буд, зиро забони мубохиси илмий ман буд ва гохи дар майдони туркий саманди табиат давондам ва зарифони туркро билатойифи гуфтори туркийи таматту расондам, он низ ташвишам надод, чун ба саликаи аслий ман мувофик афтод. Гохи бариштаи иборати форси гухар кашидам ва аз он шохсор меваи коми гул чидам (Баъзан арабий шеърларга кўл урдим ва араб фусахоларини ажамларга таништирдим. Бу менга осон эди. Зеро, бу менинг илмий тилим эди. Гохо туркий майдонда табъим отини елдирдим ва турк зарифларини (тилни нозик сезувчилар, тушунувчиларини) туркийгўйлик латойифлари билан (таматгу) койил килдим. Бу хам менга ташвиш келтирмади. Зеро, менинг аслимга мувофик тушди. Гохо форсий ибратлар ипига гавхар тердим ва шохидан кўнглим тилаги мевасини тердим)».

Туркчанинг асли сатекасига тўгри келганини айтадирким, она тилининг туркча эканини билдирадир. Форсча хакида «аз он шохсор меваи коми гул чидам» - ул буюк шохдан кўнгил тилаги мевасини тердим дейдирки, форс тилининг нозуклиги ва дилбарликига ишорат киладир ва ўзининг ундан завк олгонини билдирмак истайдир.

Асри икки буюк ислом давлатининг чоришмаси ва икки ислом мазхабининг - шиа ва суннийнинг бир-бировига хужумининг энг кескин давридир. Ислом уламо ва фузалоси икки жабхага бўлинган, икки тарз тафаккур воситаси-ла икки тарз сиёсатга олат бўлгон, бу икки давлат теваракига йигилгонлар олим бўлсалар бир-бировларига илмий хужумларда, шоир бўлсалар хажвиялар билан мунозаада эдилар.

Ўрта аср ислом маданияти давридан икки юз йилча кейин у маданиятнинг юксалган шохка (энг баланд тоғ тепаси)ларининг кулагалари холо давом этган бир давр эди. 5 ва 6-нчи асри хижрий ислом илмининг иккинчи мартаба кўзголгон ва янги рух, янги жон билан майдонга отилгон асри эди. Энг буюк ислом ҳаким ва олимларининг хар жихатдан ягоналик тугини кўтарган вақтлари шу асрга тўгри келади.

Бир ёқдан арабнинг Мааррий каби шоирлари асарларининг энг таркалгон вақти, иккинчи жихатдан форс шеърининг энг ёруқ, юзининг ниҳоят хафиф, икки асрлик бир парда билан ўратулган бўлса хам хали бахорнинг хазондан узок бўлгон чоги; учунчи ва энг мухими турк ёзма адабиётининг Шаркда Навоий, Лутфий, Гарбда Ахмад ва Ошик Пошолар даврига ворис бўлгон туркда Фузулий, форсда мухташам Коший асри эди. Фузулийнинг тугилгон жойи Ирок уч буюк: араб, форс, турк тил ва адабиётининг учрашкон майдони эди.

Багдод ислом маркази бўлиш эътибори билан Аббос халифалари замонидан бери араб, форс, туркнинг умумий муштарак маркази холига кирган эди.

Фузулийнинг асли Багдоднинг Куфрий касабаси живорида яшайтургон туркларнинг Бот отлик аширатидан экани айтилади. Шу хол ва шу мавкеда ўсган Фузулийнинг қандай тарзи тафаккурга мансуб ва қандай руҳда бир шоир бўлишини белгилаш кўб кийин эмас. Отаси хам замонанинг олим - муфтийларидан бири ва устоди Жабибий замонининг

шоирларидан бири бўлгони маълумдир. Устоиди ҳам бир турк шоирдир. Фузулийнинг унинг газалларига мухаммас боғлагони маълумдир. Бу унинг тахмисларидандир:

То жунун рахтин кийуб дутдим фано мулкин ватан,  
Ахли тажридим кабул этмам кабоу пирахан,  
Хар кабоу пирахан кийсам мисоли гунчабан,  
«Гар санинг-чун килмасам чок, эй бути нозук бадан»,  
«Гўрим ўлсун ул кабо, эгнимда пирахан кафан».

Шу тахмисда ҳам кўрилгани каби, Фузулий тасаввуф рухи билан анчагина сугорилгон бир шахсиятдир. Бу табиийдир. Чунки ундан илгари келган фикрий жараён дин эди. Ва унинг жавхари бўлгон исломий тасаввуф унинг рухи эди. Форсдан ўкугон шоирлари ва энг яхши кўрганлари дostonчи бўлиш эътибори ила Низомий, газалсаро бўлиш эътибори-ла Хофиз бўлиши табиий эди. Низомийни «Хамса»сида устод деб хитоб киладир:

Биллоҳки, на хуш деюб Низомий,  
Бу бобда хатм эдуб каломи.  
Асбоби сухан нишоту ноз аст,  
Зин хар ду сухан бахонасоз аст.  
Майдони сухан фирох бояд,  
То табъ дар ў хунар намояд.  
Дар гармийи регу сахтийи кух,  
То чанд сухан равад баандух.  
Бир ишки килур шикоят устод,  
Шогирда ўлур ружуи бедод.

Форсийнинг энг буюк газал шоири Хофиздир. Фузулийнинг табиати бу икки шоирдан мутаассир бўлгондир ва буларнинг маслаки бўлгон тасаввуфни шу эътибор ила ўзлаштиргандир. Тасаввуфда Фузулийнинг анча русухи бор. Бу тўғридаги маълумотини тафсир ва хадис ўкуш билан ортдирди. Бунинг устига у зотан дардли ва ошик бир юрак сохиби бўлгонидан, бу ишкнинг рухи унга уйгун келди. Ва илмнинг куруклиги унга ҳеч нарса бермади, барча мутасаввуфлар билан бирга мадрасага қарши шу сўзларни ёзди:

Илм касби-ла пояи рифъат,  
Орзуйи махол эмиш онжок,  
Ишк эмиш хар на ворса оламда,  
Илм бир кийлу кол эмиш онжок.

Ва тасаввуфнинг энг сўнги бўлгон фано мартабаси унинг суйгани эди.

Эйки, ахли ишка сўйларсан маломат таркин эт,  
Сўйлаким, мумкинмидир тағйири тақдири Худо?!  
Ишк килки чекди хати харф вужуди ошика,

Ким ўла собит хак исботинда нафйи моадо.  
Эй Фузулий, интихосиз завк бўлдинг ишкдан,  
Бўйладир хар ишк Хак оди-ла килсанг ибтидо.

Фузулийнинг диндорлиги ва шаръ йўли билан бориш таманноси ва бундан мақсад «ризойи Худо» эканини шу газал очик кўрсатадир:

Ё Раб, хамиша лутфинги кил рахнамо банго,  
Густарма ул тарийкки, етмас санго, банго.  
Катъ айла ошнолигим унданки, гайрдир,  
Онжок ўз ошноларинг эт ошно банго.  
Бир ерда собит эт кадами эътиборими  
Ким рахбари шариат ўла муктадо банго.  
Бан билмазам банго керакин, сан хакимсан,  
Манъ айла, верма хар на керакмаз санго банго.  
Улдир банго муродки, улдир санго мурод,  
Хошоки сандин ўзга аввало муддао банго.  
Хибси хавода кўйма Фузулийсифат асир,  
Ё Раб, хидоят айла тарики фано банго.

Яратилиш тўғрисида фикри мутасаввуфларнинг ваҳдатларидан бошка нарса эмас эди:

Хаккоки, хамин вужуд бирдир,  
Бир зота вужуд мунхасирдир.  
Аксидир онинг вужуди агёр,  
Маънида йўк эътибор ила вор, —

дер эди. Ва ўзини етиштирган асарларининг маюумаи фикрнясига мансублигин кўрсатар эди.

Фузулий дин, тасаввуфдан бошка илмлар билан хам шугулланди, хикматга, тибга кенг бир йўсунда вокиф эди. Тибга оид «Чор унсур» отли бир асари бордир. Арабча яхши билар эди. Касидалари араблар орасида тақдирлар ила ўкулур эди. Форсийда хам бир девони, бир неча касида ва маснавиёти бордир. Факат булар туркчаси кадар самимий, санъаткорона ва гўзал эмасдир. Буда Фузулийнинг аслан турклигига кучли бир далил бўла олур.

Фузулий турк шеърида, форсийда Хофиз кадар лирик-рубобийдир. Туркда Фузулий каби дардли ва ўтли бир шоир йўқдир. Форс ва туркда дostonчилардан икки киши бордир — Низомий ва Фузулий. Низомий хакикатан нозик, зариф, санъаткор ва олим бир шоирдир. Фузулий уинг шогирдидир, факат бу кўб дардли, ўтли бир ошиқдир. Фузулий ўзининг эътирофича, аввалда касида айтишга рағбат этган, сўнгра дoston ва газалчиликка киришган ва шу икковига хакикатан муваффақ бўлгондир. «Мистер Гип»лар кадар жасорат сохиби бўлолмасак хам, форс ва турк дostonчилик оламида Низомийдан сўнг биринчи ўриини Фузулийга беришдан тортинмаймиз. Фузулий бу ўринга хакикатан лойиқдир. «Мистер Гип»нинг:

«Шаркнинг шарк бўлгонидан бери етишдирган шоирлари орасида энг самимий ва энг хассоси Фузулийдир» (Озарбойжон адабиёт жамияти томонидан чикорилгон «Фузулий»

мажмуаси; Бакир Чўбонзода маколаси, саҳифа 97), деган хукмини бир оз муболагали хисоб киламиз. Фузулийга Низомийдан кейин биринчи ўрин бериш энг мувофик ва энг шарафли бир ўрин беришдир. Чунки Низомийга эргашиб бу кунгача юзларча шоир дoston айтгандир, лекин булардан ёлгиз Фузулий муваффақбўла олгондирким, бунинг осон бўлмағони шундан ҳам маълумдир.

Шоирлигини кўрсатмак учун бир газали ва «Лайли-Мажнун»дан бир парча такдим киламиз:

Манимтак ҳеч ким зору паришон ўлмасун, ё Раб,  
Асири дарди ишқу доғи хижрон ўлмасун, ё Раб.  
Дамодам жаврлардур чекдиким берахм бутлардан,  
Бу кофирлар асири бир мусулмон ўлмасун, ё Раб.  
Кўруб андешаи катлимда ул мохи будир дардим—  
Ки, ул андишадин ул мах пушаймон ўлмасун, ё Раб.  
Чикармок истаса тандин чеқуб пайконин ул сарвинг,  
Чикон ўлсун дили мажраҳу пайкон ўлмасун, ё Раб.  
Жафои жавр ила мўътадим унларсиз нўлур холим,  
Жафосина хадду жаврина поён ўлмасун, ё Раб.  
Деманким, адли йўк ё зулми чўк, хар хол ила ўлса,  
Кўнгил тахтина ундан ўзга султон ўлмасун, ё Раб.  
Фузулий бўлди ганжи офият майхона кунжинда,  
Муборак мулкдир ул, мулки вайрон ўлмасун, ё Раб.

\* \* \*

Фалак айирди бани жавр ила жононимдан,  
Хазар этмазми ажаб, нолау афғонимдан.  
Ўда ёндирсам ағар шуъла ила нафларни,  
На батар оташи охи дили сўзонимдан.  
Гами пинхон бани ўлдирди, бу ҳам бир гамким,  
Гулрухим ўлмади оғах гами пинхонимдан.  
Ох эди ҳамнафасим, оҳки ул ҳам охир  
Чикди игрох килуб кулбаи ахзонимдан.  
Бан на хожатки килам доғи нихоним шархин,  
Окибат зохир ўлур чоки гирибонимдан.  
Хак билур, ёр дағил жону дилимдан гоиб,  
Нўла гар гойиб эса дийдаи гирёнимдан.  
Жон ағар чикса танимдин асари меҳр ила,  
Асари меҳрини сонмонгки, чикар жонимдан.  
Лутф эдубсан мағар, эй бод, букундан бўйла,  
Верасан бир хабар ул сарви хиромонимдан.  
Эй Фузулий, гами хажр ила паришондир хол,  
Кимса оғох дағил холи паришонимдан.

Маснавийсидан парча:

Сокий, карам айла, жом гездир,  
Дурма, кадахи мудом гездир.  
Даврона чўк эътибор килма,  
Гездир кадахи, карор килма.  
Тўк олуб ала кумуш сарохи,  
Зар согара рухбахш рохи.  
Сарф айла риоятимда алтоф,  
Танхолигими гўр, айла инсоф.  
Шуглим бу бисот ичра чўқдир,  
Сандин ўзга мададчи йўқдир.  
Хамдамлигим ила ор килма,  
Бандан нафрат шиор килма,  
Гар билмаз эсангки, бан на зотам,  
На зулмати чашмаи хаётам.  
Файзи хунарим шаробидан сўр,  
Сўзи жигарим кабобидан сўр.  
Тутсанг алини бани факиринг,  
Хак ўла хамиша дастгиринг.  
Ман шоири Мусовий каломам,  
Сохирлара мўъжази тамомам.  
Бан сохири Боблийи нажодам,  
Хоруна бу ишда устодам.  
Сўз даркина сарф эдуб фаросат,  
Амлокина бўлмишам раёсат.  
Гах тарза касида айларам соз,  
Шахбозим ўлур баландпарвоз.  
Гах даъба газал ўлур шиорим,  
Ул даъба равон верар карорим.  
Гах маснавия ўлуб хаваснок,  
Ул бахрдан истадим дури нок.  
Хар дилдаки вор аҳди розим,  
Мажмуи фунуна ишкбозам.  
Пуркоргарам хазор пеша,  
Жонлар чекуб истарам хамеша.  
Дўконим ўла ривожи бозор,  
Хар истадигин бўла харидор.  
Сокий, на эди бу жоми кулгун  
Ким айлади холими дигаргун.  
Сармаст ўлубам сўзим хабодир,  
Хар лофки айларам хатодир.  
Таъсири солиб димога ташвир,  
Ташвири мизожим этди тагйир.  
Ман кандану лофи лутфи гуфтор,  
Ким, сўз демага ўлам сазовор.  
Ўлсайди банам сўзимда бир хол,  
Албатта ўлурдим ахли икбол.

Сокий, тут алимки, хаста холам,  
Гам рахгузаринда поймолам.  
Сансан мани мубталоя гамхор,  
Сандан ўзга дахи кимим вор?!  
Мушгул иша душмишам, мадад кил,  
Май харзи ила баломи рад кил.  
Хал айлая гўр бу мушкилоти —  
Ким, этма кулингдан илтифоти.

### **Асарлари**

Илми каломга оид «Матлаъ ул-эътикод», «Хадиси арбаъийн» таржимаси, арабий, форсий ва туркий уч девони. «Хакикат ус-суадо», «Банг ва Бода» (Исмоил Хикмат «Банг ва Бода»ни 14 яшарликда ёзилгон дейдирки (Озарбойжон адабиёт жамияти томонидан чиқарилгон «Фузулий», Исмоил Хикмат маколаси), бунга далил ўларок Шох Исмоилга такдим қилгонлигини ва унинг эса 914 да Багдодни фатх этганини кўрсатадир. Локин бу далил бўла олмайдир. Шох Исмоилга такдим қилмок билан 14 яшарликда ёзилиш лозим келмайдир. Аввало, Шох Исмоил 914 дан 940 гача Багдодда тургондир. Иккинчидан, «Банг ва Бода»ни мундарижаси ва услуби 14 яшар бир бола кучидан кўб юкори турадир. Бизча, унинг ёзилиши 914 билан 940 орасидадир), «Лайли ва Мажнун», «Чор унсур» (Сиххат ва мараз рисоласи), «Лайли-Мажнун» ёзилиш тарихи 942 хижрийдирки, агар таваллуди 900 бўлса, уни 42 ёшлигида ёзгон бўладир.

### **Фузулийнинг Туркистонга таъсири**

Гарб туркчасининг энг буюк устоди Фузулий Туркистоннинг чигатой шоирлари устига хам кучли таъсир ижро қилгондир.  
Фузулий мактабларимизда бугунча ўқулатургон маъруф китоблардан биридир. Фузулийнинг Туркистонда тарқалишидан сўнг бизда гарб туркчасининг таъсири кучайди ва икки лахжа билан ёзатиргон шоирлар кўруна бошлади. Хатто айтиш мумкинки, Фузулий билан бирга бизда иккинчи бир лахжа хам тугди. Чунки чигатой тили соясида яшаб туруб хам холис «гарб туркчаси» билан девонлар тўлдургон шоирлар кам эмасдир. Хатто илова қилиш мумкинки, холис чигатойча ёзгон ҳеч бир шоир йўкки, Фузулий йўлида хам баъзи парчалар ёзмагон ёки унга татаббу қилмагон бўлсун. Намуна учун Фузулийга татаббу қилгон шоирлардан баъзиларининг шеърларидан кўрсатамиз:  
Умархоннинг Фузулийга кўб мухаммаслари бордир:

Бало даштида гам тоги менингдек зор ўландан сўр,  
Мухаббат рамзини Мажнун киби афгор ўландан сўр.  
Мазоки лаъли нобин ишк аро хуммор ўландан сўр,  
Шифойи васли кадрин хажр ила бемор ўландан сўр,  
Зулоли завк шавкин ташнаи дидор ўландан сўр.

Бу йўлда ёзилмиш бир мусаддасдир:

Гўзимда ашки гулгун кон каби чоки жигардандир,  
Бу мехнат донаси нахли дили кулфат самардандир.  
Азал сармоясиндин, хосилим суду зарардандир,  
Дагил бу шоми кулфат толиъи зулмат асариндандир,  
На сандандир, на бандандир, на чархи кинавардандир,  
Бу дардисар хуммори нашъаи жоми кадардандир.

Мухсиннинг бу газали хам шу йўлда ёзилгонлардандир:

Куюб ўлдугим бани шамътак ўшал офтоб жамоладир,  
На камар, на мехру на сарвгул, на суман, на бадр, хилоладир,  
Бани шўри ишки жунуносар хама гамдин айлади беҳабар,  
На хаёл мойили карруфар, на фасис жохи жалоладир.

Бу Хотифнинг тахмисидир:

Верди Хотиф ох уриб бода алойик хирманин,  
Сарвдек оромгоҳ этди тажарруд гулшанин,  
Пора айлаб, бўйнида озодалик пироханин,  
Бир-бир офок илгидин чекмиш тааллук доманин,  
То Фузулий хастая васлинг тамманоидир санинг.

Бу Ризойининг бир газалидир:

Каро зулфинг киби йўқдир карорим, ё Расулуллох,  
Паришондир баним хар лахза корим, ё Расулуллох.  
Рахи ишкингда ором айламаздим бир кадам, биллох,  
Дагил алда зимоми ихтиёрим, ё Расулуллох.

Булардан бошка Фузулий тили ила шеър айтган шоирлар хам кўпдир. Буларнинг энг машхури Умархоннинг ўгли Мухаммад Алихондирким, шеърларини Фузулийникидан айириш кийиндир:

Охким, дўқди фалак конимни мужгонимдан,  
Килмади бок дамодам дўкувни конимдан.  
Мавжи тўфон бало бошима дўндирди фалак,  
То жудо этди хазин жоними жононимдан.  
Кўнглими сели бало бирла хароб этди сипехр,  
Бўлур обод губор дили вайронимдан.  
Кечалар гунча каби кўнглумй кон йигладуги,  
Субхлар зохир ўлур чоки гирибонимдан.  
Охким, хажр туни кочти дилим хасратидан,  
Соя хам кўчди фирокинг кечаси ёнимдан.  
Эй кўнгил, сонмаки зойил ўла ошуфталигим,  
Жам кил хотиринги холи паришонимдан.  
Субхлар дидаи гирёнима рахм айла, сабо,

Бир хабар вер банго ул гунчаи хандонимдан.  
Хон киби мохвашим шамъи рухин ёд эдарам,  
Ёнажакдир фалак охи дили сўзонимдан.

Фано хам туркчада Фузулий йўлида шеър айтканлардандир.  
Сўнг даврда бу йўлда айтканлардан муосиримиз Ажзийдирким, бир девончаси ва бирда  
«Миръоти ибрат» отли маснавиёти бордур. Унинг бир мухаммасини кўрайлик:

1

Ё Раб, эшит бу хаста дилимнинг навосини,  
Ким сандин ўзга чора эдар муддоасини,  
Токи чекайим замонайи бор жафосини,  
Хар дам отар нишонима тири балосини,  
Майдони жахла сурди нифок аждахосини.

2

Субхи киёмат ўлди, биз уйкудайиз хануз,  
Гўз очди хар жамоа биз осудайиз хануз,  
Хабту нухус накбата олудайиз хануз,  
Агёр зери пойина фарсудайиз хануз,  
Ким содди бизни бу ера топсин жазосини.

3

Миллат эвини йихди фалокат эдиб хароб,  
Мавжин талотум этди бугун бахри инкилоб,  
Биздан аруси акл юзина чекуб никоб,  
Ё Раб, қачон дучоримиз ўлгай рахи савоб,  
Даф эт, илохий, рохи хато рахномасини.

Фузулий тилининг букункиси, яъни усмонлича ила шоиримиз Чўлпон хам баъзан  
чиройлик парчалар ёзадир. Бу одам эски шоирларимиз каби Фузулий таъсири билан  
эмас, букунки Туркия адабиёти таъсири остида «гарб туркчаси» билан ёзадир. Бу  
парчаси у йўлда ёзилгонлардандир:

Илк аввал гўзими ишк ила очдим,  
Ишкнинг майдонина коними сочдим,  
Ишксиз ўлкалардан у онда кочдим,  
На замон богладим зуннори ишки.  
Жаннат баним ичун куру сахродир,  
Ишкинг сахросиким, банго маъводир.  
Аксини сан банго на кадар кондир,  
Конмам чунки, бўлдим гулзори ишки.  
Сўйларкан дилларим на ёмон сўзлар?!



Ёзаркан каламим на хазин оглар?!  
Сода дил бунлардан на маъни онглар?  
Билмаз куж ўлдугин изхори ишки!

Энг сўнгида шуни айтишга тўғри келадирки, гарб туркчаси ҳам бизга ёт келмайдир. Фузулий уни ўзимизники килиб юборгондир. Фузулий бизда Навоийдан кўб ўкулмаса, Навоийдан кам ҳам ўкулмайдир. Навоий асрида чигатойча гарб турклари устига кўб таъсир колдиргон эди. Ахмад ва Ошик Пошолар ва хатто Фузулийга ҳам Навоийнинг таъсири кучлидир. Факат Фузулийдан сўнг гарб туркчаси шарк туркчасига таъсирини кучайтирди ва букун усмонли лахжасининг такомули билан бу таъсир яна кўпайди ва бу хол бундан буён ҳам давом этса ва кун сайин кучайса керак. Чунки Туркия тили асри маданий тил холига киргандир ва биз хозир ҳам ундан мутаассирмиз ва истикболда бизнинг маданий харакатимиз кучайган сари гарб туркчаси билан робитамиз кучаядир.

**Адабиётшуноснинг «Фузулий Багдодий (Юбилей муносабати-ла)» номли маколasi «Маориф ва ўқитгувчи» журналининг 1925 йил 4-сонидa В.М. имзоси билан босилиб чиккан.**